

## НИМА УЧУН СУТ ТИШЛАРИНИНГ ЧИҚИШИ КЕЧИКАДИ?

**Умарова Файзихон Нозимжон қизи**

*САМУ халқаро тиббиёт университети 2-босқич талабаси*

*Илмий рахбар: Алиева Гавҳарой Абдуумуталиповна*

*Сентрал Ациан Медисал Университий физиология фани ўқитувчиси*

**Аннотация:** Сут тишиларининг чиқиши кечикиши болаларнинг умумий саломатлиги ва ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан биридир. Бундай ҳолатнинг сабаблари генетик омиллар, модда алмашинуви бузилиши, калций ва D витамини етишмовчилиги, эндокрин тизим муаммолари ёки туғма патологиялар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, чақалоқнинг парҳези, сурункали касалликлар ва турли инфекциялар ҳам сут тишиларининг чиқишига таъсир қиласди. Ушбу муаммога етарли даражада эътибор бермаслик болаларнинг овқат ҳазм қилиш жараёни ва нутқ ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мавзунинг мақсади кечикиш сабабларини ўрганиш ва самарали профилактика ҳамда даволаш усувларини белгилашдан иборат.

**Калит сўзлар:** Сут тишилари, тиш чиқиши кечикиши, генетик омиллар, модда алмашинуви бузилиши, D витамини етишмовчилиги, эндокрин тизим, болалар саломатлиги, туғма патологиялар, профилактика.

**Аннотация:** Задержка прорезывания молочных зубов является одним из важных факторов, влияющих на общее состояние здоровья и развитие детей. Причины этого состояния могут быть связаны с генетическими факторами, нарушениями обмена веществ, дефицитом кальция и витамина D, проблемами эндокринной системы или врожденными патологиями. Также на прорезывание молочных зубов влияет питание ребенка, хронические заболевания и различные инфекции. Недостаточное внимание к этой проблеме может оказать негативное влияние на процесс пищеварения и речевое развитие детей. Цель темы – изучить причины задержки и определить эффективные методы профилактики и лечения.

**Ключевые слова:** Молочные зубы, позднее прорезывание зубов, генетические факторы, нарушения обмена веществ, дефицит витамина D, эндокринная система, здоровье детей, врожденные патологии, профилактика.

**Abstract:** Delayed eruption of baby teeth is one of the important factors affecting the general health and development of children. The causes of this condition may be related to genetic factors, metabolic disorders, calcium and vitamin D deficiency, endocrine system problems, or congenital pathologies. Also, the baby's diet, chronic diseases, and various infections can affect the eruption of baby teeth. Insufficient attention to this problem can negatively affect the digestive process and speech development of children. The purpose of the topic is to study the causes of delay and

identify effective methods of prevention and treatment.

**Keywords:** Baby teeth, delayed eruption of teeth, genetic factors, metabolic disorders, vitamin D deficiency, endocrine system, children's health, congenital pathologies, prevention.

Қизалоғим бир ёшни қарши олмоқда лекин негадир ҳали ҳам бирорта тиши чиқмади. Биринчи фарзандым бүлгани учун табиийки, тажрибасыз онаман. Бу ҳолат мени қаттық ташвишга солди ва мен 10 ойлик чақалоғимни аввал педиатрга сүнгра болалар стоматологи күриклариға олиб бордим. Шифокорлар тавсиясига күра кальций, витамин Д, гемоглобин каби қатор анализлар топширдик. Натижа эса кутканимиздек қониқарлы? Хүш, унда нима учун тишлари чиқмаяпти? Келинг шу саволга жавобни бирга қидирамиз...

Одатда, сут тишлари гүдакнинг беш-олти ойлигидан бошлаб чиқади. Сут тишлари бола 11-12 ёшга етганида доимийсига алмашади. Боланинг тишлари қачон чиқиши түғрисида аниқ жавоб йўқ. Муддатлар индивидуалдир. Бироқ, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан тасдиқланган ўртача чиқиш вақтларига эътибор қаратсак:

- Чақалоқ 5-6 ойлик бўлганида, биринчи бўлиб пастки икки кесувчи тиши чиқа бошлайди.
- Юқори икки кесувчи тиши эса бола 9 ойликтан 13 ойлик бўлгунича пайдо бўлади.
- 13-16 ойлик гўдакларнинг аксариятида тўрттадан юқори ва пастки тишлар чиқиб улгуради.
- Қолган сут тишлари эса бола 3 ёшга тўлгунича чиқади.

Стандартга кўра, бир ёшли боланинг саккизта сут тиши бўлиши керак. Бир ёшдан бир ярим ёшгача бола каттароқ тишларга эга бўлади. Организмдаги жараёнлар индивидуал бўлиб, биринчи тишларнинг пайдо бўлиш ёши бир қатор омилларга боғлиқ:

- Ирсий ва туғма патологиялар. Туғма аутоиммун касалликлар, туғилишдаги оғир жараёнлар ёки бошқа патологиялар ҳам тиши чиқишига таъсир кўрсатади.
- Хомиладорликнинг кечиши ва ҳомилага салбий таъсир қилувчи омилларга (масалан, ҳомиладор айол томонидан баъзи дориларни қабул қилиш);
- Эмизиш даврида онанинг овқатланиш тартиби ва таркибиға;
- Чақалоқнинг овқатланиш рационига;
- Организм учун зарур витамин ва минераллар етишмаслиги (масалан, калий етишмовчилиги). Модда алмашинуви бузилиши. Кальций, фосфор ва магний етишмовчилиги тиши чиқиши жараёнини секинлаштириши мумкин. Айниқса, Д

витамины танқислиги рахит касаллигини келтириб чиқариб, тиш ривожланишига салбий таъсир қиласы.

• Эндокрин тизим бузилишлари. Қалқонсимон без фаолиятининг сусайиши ёки бошқа гормонал муаммолар тиш чиқиши жараёнини кечиктиради.

• Сурункали касаллуклар ва инфекциялар. Боланинг иммунитети пасайиши ёки инфекцияларнинг тез-тез такрорланиши тиш чиқиши жараёнига салбий таъсир қиласы.

Шунингдек, гүдаклар учун мўлжалланган сутли бўтқалар, турли аралашмалар сут тишларини секинлаштириши мумкин дейди- тиббиёт фанлари доктори Абдуазим Йўлдошев.

Ҳомиладорликнинг 3-ойидан бошлаб 5-6 ойигача сут тишларининг муртаклари ривожланади. Бу пайтда бола организми кальцийга муҳтоҷ бўлгани сабабли она кальцийга бой маҳсулотлардан истеъмол қилмоғи шарт. Агар она организми орқали болага зарур миқдорда кальций етказиб берилмаса, у ҳолда бола онанинг ўзидан (тишидан ё суюкларидан) кальцийни ўзлаштириб олади. Натижада онанинг тишлари секин-аста кариесга чалиниб, ёрилиб кетаверади. Баъзиларда сут тишлари сақланиб қолади. Асосан қозиқ тишларида доимий тиш бўлмагани сабабли илдиз сўрилмай, сут тишлари қолиб кетиши мумкин. Шу билан бирга, она қорнида тиш муртаги ривожланмаган ёки кальций етишмовчилиги бўлганда бундай ҳолат кузатилади. Аммо меъёрий ҳолатда тишнинг муртаги босим ҳисобига илдизни емириб-емириб, доимий тишлар чиқади.

Сут тишларининг чиқиши физиологик жараён бўлса-да, бола ва унинг ота-онаси учун ҳақиқий синовдир. Яқиндагина қорин дам бўлишини бошдан кечирган, овқатланиш ва уйқу тартибли бўла бошлагандан тўсатдан чақалоқ яна безовталана бошлайди. Бундай ҳолатда қандай ёрдам кўрсатиш керак:

• Оғриқни қолдириш мақсадида анестетик геллардан фойдаланилади. Лекин уларнинг таъсири, тахминан, 20-30 дақиқагача етади ва кунига беш мартадан қўп ишлатиш тавсия этилмайди. Дори дозасини ошириб юбормаслик керак. Узокроқ вақтга оғриқни камайтириш учун шифокор тавсияси билан оғриқ қолдирадиган сироп ёки таблетка бериш мумкин.

• Милкларни енгил уқалаш керак ҳамда тиш чиқаётганда ишлатиладиган маҳсус ўйинчоқлар бериш мумкин. Улар милклар қичишишига таскин беради.

• Болага кўпроқ меҳр бериб, тез- тез уни қучоқлашиш зарур. Ота-онанинг ёнида чақалоқ ўзини хавфсиз ҳис қиласы, тинчланади. Болалар катталарнинг хатти-харакатлари ва ҳис-туйғуларига жуда сезгир, шунинг учун ота-оналар бундай вақтда хотиржам бўлишлари керак.

•Болаларни ўйинчоқлар, мулойим сўзлар билан чалғитишига ҳаракат қилиш лозим. Тинчлантирувчи массаж ва очик ҳавода сайр қилиш фойдали бўлади. Бу даврда боланинг иммунитети пасаяди, касаллик юқтириб олмаслик учун одам гавжум жойларга бормаган маъқул.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, қизалоғимнинг текширув натижалари яхши чиқгач анча енгил тортдим. Айбни энди ўзимдан қидиришни бошладим. Ҳомиладорлик вақтим мени назорат қилган мутахассис билан ҳам маслаҳатлашдим ҳатто. Кейин эса қайнона-ойижоним турмуш ўртоғимнинг тишлари ҳам секин чиққанини айтиб қолдилар. Анамнез йеғишини аслида уйдан бошлашим кераклигини тушундим. Фарзандим 12 ойлик бўлганида илк тишлари ёриб чиқди ва бу ҳолат барчамизни қувонтирди. Қолган тишлари ҳам бизни қўп куттирмай, бирин-кетин енгиллик билан чиқа бошлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кўчқоров Ш. Ҳ., "Болалар стоматологияси асослари", Тошкент, 2020.
2. Султонов А. Р., "Педиатрияда диагностика ва даволаш", Тошкент, 2019.
3. Воробьева Л. А., "Физиология развития зубов у детей", Москва, 2018.
4. World Health Organization (WHO), "Oral Health in Children: Prevention and Treatment", Geneva, 2019.
5. American Dental Association (ADA), "Pediatric Dentistry Guidelines", 2021.
6. Momeni, A., "Vitamin D Deficiency and Delayed Tooth Eruption in Children", Journal of Pediatric Health, 2020.
7. Гарифханов Р. Р., "Детская стоматология", Москва, 2018.
8. Воробьева Л. А., "Физиология развития зубов у детей", Москва, 2018.
9. Сидоров В. И., "Клиническая педиатрия", Санкт-Петербург, 2019.
10. Шумская Е. В., "Основы детской стоматологии", Москва, 2020.
11. Абдуллаев М. У., "Болаларда ракит ва унинг олдини олиш", Тошкент, 2016.